
Фарғона вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси огоҳлантиради!

Ҳурматли фуқаролар!

Фарғона вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси огоҳлантиради! Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология: хизмати марказининг 2021 йил 5 февраль куни тақдим этган 380-01/50-сонли ахборот хабарномасига асосан, жорий йилнинг 6-8 февраль кунлари Каспий денгизи орқали Кавказ худудида ҳосил бўлган совуқ ва нам ҳаво оқими Ўзбекистон Республикаси худудига кириб келади, 6-7 февраль кунлари республика буйича шамол тезлиги 15-20 м/с (54-72 км/соат) гача эсиб, айрим жойларда шамол тезлиги 22-28 м/с (80-101 км/соат) гача кучайиши мумкин, 8 февраль кунлари республика худудида ёмғир ёғиб, тоғ ва тоғ олди худудларда кучли шамол бўлади, баланд тоғли жойларда ёмғир қорга айланиши мумкин, Республика худудида ўртача ҳаво ҳарорати кечаси 3-8°C ва кундузи 10-15°C илиқ бўлиши кутилмоқда. Кутилаётган кучли шамол ва нам ҳаво ҳарорати чорва молларини яйловларда парвариш қилиш ва сақлашда, автотранспорт воситаларининг ҳаракати, алоқа ташкилотлар, коммунал ва энергетика хизматлари фаолиятини мураккаблаштириши мумкин. Ўзингиз ва яқинларингизни эҳтиёт қилинг Ёнғин ва табиий офатлар содир бўлганда 101 ҳамда 1050 қисқа рақамларига мурожаат қилинг

ФВБ Матбуот хизмати

2021-02-06 08:29:48